



Якуббек бошчилигида Шарқий Туркистоннинг мустақиллиги



Юкорида зикр этилганидек, Кошгар хокими Содикбек Рашидиддин Хонхўжанинг хокимиятини тан олишни истамасди. Шу тўғрисида у ва ўртоқлари бошқа бир хўжани, яъни 1828 йилда Пекинда қатл қилинган Жаҳонхўжанинг айнаи замонда Қўқонда истикомат қилаётган ўғли Бузрукхўжанинг Кошгар ҳукмдори бўлишига ҳаракат қилдилар. Бузрукхўжа кошгарликлар таклифини қабул қилиб, ўртоқлари (Якуббек, Абдулла понсон, Мухаммадқули Шоқовул, Хўжа Қалон Худайчи) билан 1864 йил ноябрь ойида Тошкентдан тўғри Кошгар томон ҳаракат бошлади. Қўқон хонлигида жуда катта шўҳрат эгаси бўлган Якуббекни Бузрукхўжа қўшин қўмондони (ботирбоши) этиб тайинлади.

Қўқон хони Худойерхон уларнинг Кошгарга юришини қўллаб-қувватлади. 1864 йилнинг февраль ойида Бузрук «хон» деб эълон қилинди. Шарқий Туркистоннинг Қуча шаҳридаги хони Хонхўжа Бузрукни хон сифатида тан олишни истамасди. Якуббек аста-секин Шарқий Туркистоннинг сиёсий қурашига (Пирмуҳаммад Мирза оиласида 1820 йили Пискентда дунёга келган Мухаммад Якуб 1847 йилгача Қўқон саройида хизмат қилади. 1847 - 1853 йилларда Оқмақитда волилик қилган ва Оқмақит яқинидаги Балик қўлни русларга 12000 олтин тангага сотган. Шунинг учун уни Қўқон хони ўлимга ҳукм қилди, лекин тезда афв қилди. 1852-53 йилларда Оқмақитни мудоғоа қилиб, кейинроқ Олимқул билан бирга русларга қарши жангларда қатнашди. 1864 йилгача у турли мансабларни эгаллади. Муаллифи ноаниқ «Могамет Якуб эмир Қашғарский, (Петербург, 1903, 8-960) га биноан «Олимқул Ёқуббекдан Шарқий Туркистонга бориб, Хитой ҳукмронлигига чек қўйишни сўраган». Якуббек Қўқон хонлиги ҳарбийларининг энг ёрқин сиймоларидан бири эди. У Бузрукхўжанинг синглиси Шохбегимга уйлانган эди. Кошгар тарихий сахнасида чикмасдан аввалги ҳаёти ҳақида қаранг: Bellew, History, 194 - 204 б.: Куропаткин. Қашғария, 131 - 137 б.; Boulger, Central Asian questions, 360 - 362; Central Asian Portraits, London, 1880, 100 - 118; Vambery, Centralasian. 134 - 135 б.; М.Ф. Гаврилов, Страничка из истории Якуббека, «Бартольд» 125 - 127 б.) қўқон бошлади. Дастлаб у Содикбекнинг ҳукмронлигига барҳам берди ва унинг ўрнига Бузрукни тайинлади. Содикбек Кошгарни тарқ қилишга мажбур бўлди. Бу билан Якуббек Кошгардаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш фурсатини қўлга киритди. Якуббек Кошгарда 6 ой турди ва кейин Оксўв томонга юриш қилиб, уни ишғол этди.

Якуббек 1865 - 1870 йилларда бир томондан хитойларга карши, иккинчи томондан Шаркий Туркистоннинг мустақил давлат-шахарларига карши тинимсиз кураш олиб бориб, хар икки жабхада ҳам мағлубиятнинг нималигини билмади. У русларга карши урушда тажриба орттирган андижонлик Мирбобо, Абдулла понсод каби қобилятли кишиларни ўз атрофига тўплаган эди. Бузрукхон эса харбий масалада тажрибали эмас эди. 1865 йилнинг сентябрида кипчоклар бошчиси Худойкул Худоёрхонга карши исёнда ўз мақсадига эриша олмагач, 7000 суворийси билан Шаркий Туркистон тупроғига кирди. У билан бирга Бузрукнинг ўғай укаси Катта тўра ва Тошкент химоячилари қўмондонларидан Муҳаммадбек ҳам қелишган эди. Якуббек ва Худойкул харбий қисмлари орасида Жаҳонгир оиласининг тахтга алоқаси масаласи бўйича қелишмовчилик уларнинг ўзаро тўқнашувига олиб келди. Бузрукхон ўз рақибни бўлмиш Худойкулни қувватлади. Шундай қилиб, Бузрукхоннинг ўғай укаси Катта Тўра 1866 йили хон деб эълон қилинди. Унинг хонлиги узокка чўзилмади, тўрт ойлик ҳокимиятдан сўнг Якуббек томонидан тахтдан туширилди. Унинг ўрнига Якуббек яна Бузрукни хон деб эълон қилди. 1865 - 1867 йилларда Якуббек Кошғар, Ёрқент, Куча, Хўтан ва янги Хисорда ҳокимиятини мустақамлади.

1867 йили Якуббек Бузрукдан ҳокимиятни ўз қўлига олди. Унга «оталик гози» ва «бадавлат» деган унвонлар берилди. У Бузрукка 4000 олтин пул бериб, Маккага жўнатди (Бузрукхўжа 1865 йилдан эътиборан хон бўлиб, Маккага кет олмай, Бадахшондан Бухорога борди ва у ерда 18 ой тутқунликдан).

Якуббек Туркистон тарихида факат жуда машхур саркарда сифатидагина маълум бўлмай, айна замонда қучли сиёсатчи ва дипломат ҳам эди. У Бухоро, Туркия, Англия ва Русия билан дипломатик муносабат ўрнатди. Харбий мутахассисларни Туркиядан, курулларни Англиядан ва савдо молларини келтирди. Усмонийлар империясининг султони Абдулазизни «халифа» сифатида таниши ва унинг номидан 1870 йилда тилла ва қумуш пуллар бостириши унинг эҳтиёткорлигини кўрсатади. Чунки Хитой 1865 йилдан кейин ҳам Шаркий Туркистондан умидини узмаган эди. Якуббек 1871 йили Или ўлкасини босиб олган руслар босқинига карши ҳам мудофаа уюштиришга мажбур эди. Русларга ашаддий душман бўлган Якуббекка руслар ишонмасди. Шунинг учун руслар унинг қўл остидаги ерлардан мунтазам равишда маълумот олиб туришга ҳаракат қилишди (Якуббекнинг харбий қучи ҳақида маълумот олиш учун албай (полковник) Райнтал 1868 йили Шаркий Туркистонга келди. 1872 йили Якуббек ҳузурига А.В. Каулбарс чикди (Киёсланг: Макшеев, 87-6.). 1876 йили албай (полковник) Куропаткин Шаркий Туркистон ҳақида маълумот тўплади. Каранг: Куропаткин, Кашгария, 2, 161-бет.).

1876 - 1877 йилларда хитойлар Якуббекка карши катта ҳужум уюштирди. Якуббекнинг химояланишдан бошқа чораси қолмади. Оксуга яқин Довончи тоғлари тизмасидаги қишки жанг энг дахшатли жанглардан бўлди. Хитойлар бу жангда 6000 аскар билан, Якуббек эса 800 аскар билан қатнашди. Якуббек енгилиб, чекинди. Якуббекнинг энг яқин сафдошларидан Содикбек, Оксуг қўмондони Боқиш мироб ва Якуббекнинг ҳазиначиси Осур Охунд хитойлар томонга қочиб ўтишди (Куропаткин, Кашгария, 151-6.).

Инглизлар Шаркий Туркистондаги аҳволни мунтазам қузатиб, Якуббек билан дўстона муносабат ўрнатган сўнг 1869 йили Қўконга келади. Каранг: Bellew, History, 213-6.; Куропаткин, Кашгария, 141-6.; Bugra, Dogii Tiirkistan, 25-саҳифага қўра у тахтидан туширилган.

бўлса-да, Шаркий Туркистондаги ҳақиқий аҳволни кеч фаҳмладилар. Британиянинг

Пекиндаги бош элчиси Сер Томас Ваде 1877 йил 24 январда ўз ҳукуматида Шаркий Туркистон билан Хитой орасида Англиянинг воситачилик қилишини таклиф қилди. Аммо Британиянинг Хиндистон бюроси бу таклифни рад этди, шу сабабли 1877 йилнинг бошларида Якуббекнинг элчиси Саид Якубхон тўра Лондонга жўнади. Бу ерда Шаркий Туркистон Русия билан Хитой орасидаги мустақил бир давлат бўлиб қолишини Хитой тан олишга тайёр эканлиги билдирилди. 1873 йили Якуббекнинг Ёркентдалигида бир хайъат бошчиси сифатида зиёрат қилган сэр Форсид Лондонга келган Якуббекнинг элчисига ёрдам беришга интилни. Айни замонда сэр Ваде ҳам Лондонда бўлиб, у ҳам Якуббек элчисига ёрдам қилмоқда эди. Сэр Ваде ва сэр Форсидлар Англияни Шаркий Туркистон ва Хитой орасида воситачилик қилишга қўндириш учун ҳаракат қилишди. Сэр Ваде Саид Якубхон тўра билан бирга Хитойнинг Лондондаги вакили Кио Та Ченни икки марта (1877 йил 28 май ва 26 июль) биргаликда овқатланишга таклиф қилди. Тарафлар қелиша олмадилар. Кио та Чен Британиянинг Хиндистон бюроси Англиянинг воситачи бўлишига қаршилигини яхши биларди. Бу орада Шаркий Туркистон ичкарасига Хитой қучларининг муваффақиятли юришлари ҳақида маълум бўла бошлади. 1877 йил 16 майда хитойлар Турфонни қўлга киритди. Шу йилнинг 29 майида эса Якуббек вафот этди (Anwar Khan, 271-6.).

Якуббекнинг ўлими Хитой истилосини тезлаштирди. Унинг ўлимидан кейин Шаркий Туркистонда ички низолар яна қучая бошлади. Хитойлар тўрт тарафдан ҳужум қилиб турган бир пайтда Якуббекнинг ўғиллари Беккулибек (тўнгич ўғли ва Ҳақкулибек (кенжа ўғли) отасининг тахти учун ўзаро жанг қилдилар. Ҳақкулибек Оксудан. Қошғарга кетаётган вақтида 11 июнь 1877 йилда Беккулибек амрига биноан Махмуд Зиё понсод томонидан ўлдирилди. Худди шу вақтда Оксуд ҳукмдори Ҳақимхон тўра ўзини Шаркий Туркистон хони деб эълон этди. Хўтан ҳокими Ниёзбек жангсиз хитойларга шаҳарни топширишни истамади. Қорашаҳардан Хўтанга юрган Беккулибек Ниёзбек қучларини тор-мор қилтирди. Ниёзбек ноилоҳ хитойлар тарафига ўтди. Беккулибек Хўтан билан машғул бўлган пайтда хитойлар Қорашаҳар ва Қўрлини босиб олди. Беккулибек Хўтандан чиқиб кетгач, Ниёзбек яна Хўтанни мустақил шаҳар, деб эълон қилди. 1877 йил 18 октябрда Беккулибек Хўтанни қайта қўлга киритди ва 25 октябрда Оксудга юрди. Генерал Чо Чунг Танг қўмондонлигидаги хитойлар бирор бир сезиларли қаршилиққа учрамай, Қошғарга тўғри юра бошлади. 1877 йилнинг 4 декабрида икки тараф ўртасидаги жанг Қошғарда бўлди. Номалум сабабларга қўра, Беккулибек жанг майдонини ташлаб, бир қанча шериклари билан Фаргона тарафга кетди. 1878 йил бошларида Беккулибек тугилган шаҳри Тошкентга келди ва шу ерда вафот этди. Хитойлар 1877 йил 16 декабрида Қошғарни (Қуропаткингга қўра (214-6) 4 декабрда ишғол қилинган.), 1878 йил 16 майигача бутун Шаркий Туркистонни босиб олди. Шунинг билан Якуббек қўп машаққатлар билан қон эвазига, битимлар эвазига вужудга келтирган ва қуч билан ҳимоя қилган, яхлит бир давлат ҳолига қилтирилган Шаркий Туркистоннинг мустақиллигига барҳам берилди.

Оврупо, ҳусусан, инглиз илмий адабиёти Якуббекнинг ҳаёти ва фаолияти билан атрофлиқа шугулланган (Якуббекнинг ҳаёти ва фаолияти билан Боуглер атрофлиқа шугулланган. Қаранг: Vambery, Centralasian 148 - 149 б.). Якуббек бениҳоя одил, диндор ва жасур шахс бўлиб, тиним билмасди. У халқдан солиқ олмасди, унинг ўрнига бадавлат қишилардан ҳадялар қабул қиларди.

Сэр Форситнинг айтишича, оталик Ғози Муҳаммад Якуббек хитойлардан қолган ҳаробалар устида бир императорлик қурган эди (Сэр Форситнинг 1869 йил 28

сентябрида Шаввага йўллаган мактубидан. Correspondent:). Якуббекнинг вафотидан сўнг хитойларда ўч олиш хисси авж олди. Якуббекнинг 60000 аскардан бор-ўғи ўн нафаригина Фарғонага кочиб кутулди(Гаврилов, Страничка из истории Якуббека бадавлата правителя Кашгарии, «Бартольд», 125 - 132-б. Гаврилов бу мақоласини мулла Мирза мулла Иса Мирзабошининг кўлёзмасига асосланиб ёзган (кўлёзма муаллифи Якуббекнинг котиби бўлган эди). Бу киши ўз хотираларини 1916 йилда Кўконда каламга олган.). Бошқаларининг боши кетди. Хазина ва шаҳарлар тамомила талон-торожга учради. Хитойлар туб аҳолини дахшатга солиш учун шаҳар ва қозиликларда одамларни тўп оғзига боғлаб отардилар. Бундан ташқари, Шаркий туркистонликларнинг озодлик ҳаракатига монелик қилиш мақсадида барча отлар тортиб олинди. Мамлакат 1882 йил охирига қадар Хитой кўшини томонидан идора қилинди. Шаркий Туркистон 1884 йилга қадар қадимги Хитой атамаси - «Гарбий ўлка» [Hsi-ju] номи билан юритилди. 1884 йил 18 ноябрида Хитой императорининг бир буйруғи билан бу ерларнинг номи Хитойнинг 19-вилояти ўларок «Янги ерлар» маъносини ифода қилайдиган «Цзин чианг» хитойча ата-ма билан ўзгартирилди(Корнилов, Кашгария, 25-б.; Lattimore, Divot of Asia 50-б.; 1968 й. га кўра Син-Кианг, Синчианг, янги доминон» ёки «янги вилоят» маъносини эмас, балки «ном» (тўғрироғи - янги жабха») тушунча-сини ифода қилади. Spuler, Geschichte, 243-бетга биноан: «Тинимсиз ва шиддатли жанглардан сўнг 1757-59 йилларда мамлакатни босиб олдилар (Хитойлар - муаллиф) ҳамда Манчжурия давлатининг Янги чегараси вилояти маъносида Син-Кианг номини бердилар». Хитойлар 1884 йилдан кейин бу номни Шаркий Туркистонга нисбат бера бошладилар. Син-Кианг атамаси 1759 йилдан бошлаб қўлланилиб, у Орол денгизигача бўлган майдонни ифода этган, деган нотўғри фикрни илғари суради. Бу фикрга ҳилоф равишда қуйидагича қайд қилинади: «Хохдавлат маъмури бўлсин, хохбошқа истаган хитойлик ўлканинг орқада қолган қисми дегандан бошқа маънони билмайди»). Шундан бошлаб, Оврўпода ҳам шу атама ўзлашиб қолди. Дастлабки бош воли генерал Лиу-Чинг-Цанг бўлди. Шаркий Туркистон халқи тўлиқ 33 йил (1878 - 1911) асорат ва қуниқ емагини топиш дарди билан яшади. Хитойлар энди ҳеч қачон Шаркий Туркистон Якуббек қуниқларини бошидан кечиришни истамасди. Мамлакат ниҳоятда қатъий тартибларга суянган ҳолда бошқарилар ва ерлик халқ вақилларидан маъмурлар тайинланмасди. Иққони бориқа улардан қўп миқдорда жосуслар тайёрлашга интилишарди. Халқнинг туйғусини мунтазам ўлдириб бориш энг дастлабки ишлардан бири бўлди. Ниҳоят, 1911 йилда Хитой инқилобининг бошланиши билан ҳаётда ўзгариш содир бўлишига туйнуқ очилгандай бўлди. Сун Ват Сен жумҳурият Хитойдан бошқа миллатларга ҳам маданият муҳторлиқ беражагини билдирди. Фақат бу ҳусусда деярли ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Аммо дахшатли жазо усуллари бекор қилинди. Миллатлар тенглигини ақс эттириш учун Хитой жумҳурияти байрогининг ранглари орасида ислом байрогининг ҳам ранги ўрин олди. Бирок бу ранг ҳеч бир йўсинда Шаркий Туркистон мустақиллиги тушунчаси билан боғланмасди. Мамлакат ўтмишдаги қабии Хитой ҳоқимияти остида қолди. 1912 йилдан 1927 йилгача Хитой бош волиси Юнг Цен Син туб аҳолини диктаторларча бошқарди. Ундан кейин эса ўз ҳуқуматига эга бўлмаган Шаркий Туркистонда ўзини яққаю ягона ҳоқим ҳис қилган Жин Шу Ен бош воли бўлди (1927 - 1933). Унинг ўрнига эса Совет Иттифоқи Компартиясининг аъзоси Шенг Шинг Цай қелди (1933 - 1944). Шенгнинг асосий вазифаси Совет Россиясининг Шаркий Туркистондаги маъкеини қучайтириш ва айни замонда миллий мустақиллик ҳаракатига қарши Хитой ва Россия қучларини сафарбар қилишга қаратилди. Хитойнинг ўзгармас эксплуатацион сиёсати 1931 йилдан

бошлаб озодлик курашининг янгидан алангаланишига олиб келди.

Др.Боймирза Хайитнинг
"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан